



Мавлоно РУМИЙ,  
Шарк мутафаккири

Инсон табассуми билан тарбиясини, нимага қулгани билан эса савиясини намойиш қилади.

# КИТОБСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ!

Шавкат МИРЗИЁЕВ

# Kitob dunyosi



Маънавий-маърифий, адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий газета

№ 12 (326)  
2020 йил  
22 июль.  
Газета ҳар ойнинг иккинчи ва тўртинчи чоршанбасида чоп этилади.



СЕНЕКА,  
Ғарб мутафаккири

Энг катта фожиамиз шундаки, биз ўлимни олдинда деб ўйлаймиз. Ҳолбуки, унинг аксарият қисми аллақачон ортимизда, ахир, умримиздан қанча йиллар ўтди, беҳуда ўтиб кетган ўша йилларимиз энди ўлимга тегишлидир.

## Ҳали бутун рўйи жаҳон шеър бўлажак...



Сован БАТТАЧАРЯ:

### “Ўз сўзим билан бошқалардан фарқ қиламан”

Таниқли шоир Сован Баттачаря 1974 йил 18 августда Калькутта шаҳрида туғилган. 2000 йили Калькутта университетини тамомлаган. Биринчи нашр этилган тўплами “Иигирма сонет” китоби эди. 2020 йилгача бир неча нашриётларда ўн та шеърый китоби чоп этилди ва улар Ҳиндистон ҳамда Бангладешнинг машҳур китоб дўконларида мунтазам равишда сотилмоқда.

Умумбашарий ва чексиз ғояларим, муҳаббатим, сўзларим, ўз қўшиқларим, интилишим билан бошқалардан фарқ қиламан.

Мен ҳинд миллатига мансуб инсон сифатида, коинотнинг барча материялари ва қудратини “Брахма” деб аталган “Бирлашган қувват майдони”дан келиб чиқади, деб тасаввур қилинадиган дунёни қайта таҳлил қилиш учун ўзгача фалсафий фикрларга эгаман.

Ҳиндистоннинг “Упанишадлар” (шеър шаклида ёзилган фалсафий фикрлар жамланмаси)да “Эканг Свадипра Бахухда Баданти” жумласи ишлатилади. “Эканг” “битта” деган маънони англатади... “Свадипра” “ўз хоҳиши билан”, “Бахухда” “кўп”, “Баданти” “...га айланади”, деган маънони англатади. “Мантра”нинг умумий маъноси “Бир ўз хоҳиши билан кўпга айланди” жумласига тенг бўлади. Шундай қилиб, мен дунёда анъанага янги тус берадиган шундай умумбашарий фикрни ўзида мужассам этган мистик қалбнинг бир парчаси бўлиш бахтидан мамнунман.

Ер юзидagi ҳар бир инсон ҳаёти давомида шеърни бутунча тополмас. Баъзи инсонлар топарлар, эҳтимол. Аслида, улар шеърни ҳамма жойда топишлари мумкин. Замин шамс атрофида гўзал айланмоқда, гуллар ва болаларнинг бегубор юзларида самимий табассум жилваси, одамлар илоҳий интизом билан ҳаракатланмоқдалар... Шеър ҳамма жойда. Уни топиш учун эса моҳиятга яқинлашиш керак.

Таржимон Моҳидил АБДУЛЛАЕВА



Файзон КОРУР (1963), кипрлик шоира

### “Дунё адабиёт чорловига муҳтож”

— Малюхатли Файзон хоним, бугун Кипрда адабиёт ва санъатга бўлган муносабат қай тарзда кечмоқда?

— Биласизми, биз урушларда қатнашган мамлакатларнинг азобини бошдан кечирдик, сиёсий келишмовчиликлар, маънавий қаршиликлар мақсадларимизга етишмоқ йўлини янада олислайтиб юборди. Шунга қарамасдан, энг оғир шароитда ҳам сўзга, шеърга, адабиётга, театрга содиқ қолувчилар топилди. Нега десангиз, фаҳимча, асл инсон санъат ва адабиёт орқали нафас олади. Юртдошларим орасида, ишонч билан айтаманки, адабиёт ва санъатни севувчи инсонлар жуда кўп.

Мен адабиёт ва санъатга суяниб яшовчи одамларни поезда олис манзиллар сари кетаётган масрур йўловчига ўхшатаман. Охири кўринмас бир йўл, унда эса йўловчилар, бир вагонда шеърый мухбирлари, бир вагонда театр ихлосмандлари, яна бир вагонда эса бошқа санъатларнинг шайдолари... Асосийси, улар санъат деб аталмиш гўзалликнинг йўловчиси бўлганидан шод. Уларнинг ҳар бири адабиётга ташна, уларнинг ҳар бири санъатга чиндан кўнгил берган инсонлардир.

2-бет



Пушкин портрети.

Рассом: Николай Павлович УЛЬЯНОВ

Усмон АЗИМ,  
Ўзбекистон Халқ шоири

### Ҳали бутун рўйи жаҳон шеър бўлажак...

Тонг титрайди кеч кузакнинг кучоғида,  
Юлдузларни ўчирмоқда гулгун шафақ.  
Жоним, қалбим шеърыйнинг пичоғида...  
Замин – тилсим, осмон – тилсим...  
шеър – бешафқат!

Мен қийналдим. Хаёлимнинг қанотида  
Денгизларни кўтарганча толиб учдим.  
Юлдузларни кўп кўрганман ҳаётимда,  
Денгиздаги юлдузларни келди кучгим.

Кўкка боқдим, ўт туташди жоним аро...  
Қат-қат булут қатларида не сир-асрор!  
Ҳайрат ичра ўлдиргуси мени само,  
Она замин, уча қолай, қўйиб юбор!

Мен ёр дедим... Лайлими ё, Ширинми ё!  
Ёки энди тугилажак бирор малак?  
Мана мен, деб кўз олдимда бўлди пайдо,  
Мана мен, деб шеърдан боқди якто юрак.



Юлдузларни ўчирмоқда гулгун шафақ,  
Тонг титрайди кеч кузакнинг кучоғида.  
Шеър ёзилар... Қўйноқ, сенга бўлсин шараф,  
Жоним, қалбим шеърыйнинг пичоғида...

Ҳали бутун рўйи жаҳон шеър бўлажак,  
Фақат бекор билиб ором кучоғини –  
Бу дунёни сирга кўмиб яшаш керак,  
Қалбга санчиб шеърыйнинг пичоғини!



Вадим МУРОДЖОНОВ:

### “Чинакам санъат асарининг ўз тақдири бор”

— Муҳтарам Вадим Аҳмадхоневич, келинг, гурунгимиз аввалида жаҳон адабиётидаги энг муҳим ҳиссангиз ҳақида сўзлашсак...

— Жаҳон адабиётига қўшган ҳиссам ҳақида сўз юритиш, то томиримда қон оқиб, қўлда қалам ушлай оларканман, фаҳимча, ҳали бунга жуда эрта, қолаверса, ўта нокамтарлик бўлар эди. Ҳар бир ёзувчи ўз кучи ва салоҳиятидан келиб чиқиб, аввало, миллий адабиётига ҳисса қўшади, фақат камдан-кам ҳолатлардагина муаллиф томонидан амалга оширилганлар жаҳон кўламига чиқади. Устига устак, аксар ҳолларда унинг кўлами ёзувчи бу ҳаётни тарқ этгандан сўнг маълум бир муддат ўтган кўринади: чинакам санъат асарининг ўз ҳаёти ва тақдири бор. Бошқа томондан эса ҳар бир улғу ёзувчи қуруқ ердан униб чиқавермайди. У номлари ҳар доим ҳам жаҳон адабиёти тарихида қолавермайдиганлардан кўра кўпроқ буй чўзади.

Башарти, олдиндан битикларимни баҳолашга келадиган бўлсак, мавзу ҳамда колорит жиҳатдан замонавий рус адабиётининг асосий йўналишидан фарқ қиладиган, шарқона, ўрта оснеча онг ва турмуш тарзидан келиб чиқиб яратилган шеърларим, ҳикояларим ва эсселаримни тилга олган бўлардим.

Эҳтимол, улар тобора кучайиб бораётган глобаллашувга қарамай, асл ва ички нарсаларга қизиқиш қўшни дунёда нима бўлаётганини эшитишимиз ва тўғри тушунишимизга имкон бермайдиган ҳозирги мураккаб даврда Шарқ ва Ғарб ўртасида кўпrik бунёд этишга ҳисса қўшаётгандир.

Ўзбек ва бошқа тиллардан ўйгирганларим, жумладан, Тоғай Мурод насри, Рауф Парфи, Боб Дилан, Недим Гурсел ва бошқа кўпrik хассос муаллифларнинг шеърларидан таржималарим, умид қиламанки, шу мақсадда хизмат қилади.

7-бет



Франциско Муньос СОЛЕР (1957):

### “Шеърыйни атрофимиздан қидирайлик”

— Муҳтарам жаноб Франциско, айтинг-чи, жаҳон адабиётига қўшадиган энг катта ҳиссангиз нима деб ўйлайсиз?

— Адабиёт оламида ҳиссадор бўлишни даъво қилиш, менинг назаримда, нокамтарликдир. Айтишим мумкинки, инсон сифатида ўзимни қизиқтирган масалаларни ҳаёт ҳақида қайғуриб, аммо ҳеч қандай таъмасиз, назм этса бўладиган оҳанг билан битаман.

— Сизнингча, инсоният ижтимоий соҳаларсиз қай аҳволга тушган бўларди?

— Гуманитар соҳалар инсониятнинг бир бўлаги, уларни четта суриб қўйиш, жамиятдан чиқариб юбориш учун инсонларга таъсир ўтказишга бўлган ҳаракатлар ҳам бор гап. Бироқ бу соҳалар ҳамisha ривожланаверади, инсон моҳиятини бош мақсад қилиб, зарур қудратга эга бўлган янги фикрлар билан ҳаётга мослашиб бораверади.

2-бет

Мвижай КУМАР:

### «Шеърый инсонни бутунлай ўзгартиради»

Мвижай Кумар — шоира, бир қатор халқаро адабий мукофотлар соҳибаси. Шу кунга қадар унинг 30 та шеърый китоби чоп этилган.



— Юртингизда адабиёт ва санъатга бўлган муносабат қандай?

— Адабиёт ихлосмандлари ўзларининг олдига қўйган мақсаду вазифаларини амалга ошириш учун чинакамига ҳаракат қилишадди, худди санъатдаги сингари.

Ижодкорларга йўл-йўриқ кўрсатувчи, маълумот берувчи ва ҳар жиҳатдан кўмаклашувчи Маданият вазирлиги тасаруфида ташкил этилган Сейчеллес Миллий санъат консуллиги мавжуд. Шу билан бирга, ҳар икки йилда ижодкорларни кўллаб-қувватлаш мақсадида Санъат мукофоти маросими бўлиб ўтади. Шахсан ўзим 2017–2019 йиллардаги Санъат мукофотининг Адабиёт йўналиши иштирокчиси бўлганман ва тақдирланганман ҳам.

4-бет









«ФАНО САҲАДЛАРИ»

ТУРКУМИДАН

Айромиз, лек дил зоримиз бирлашаду...

Севдимми ё ишқдан аломат бўлди...

Қанийди дилда бир зор бўлса эди...

Япроқ ўзи титраб турса, кузда не айб?

«РИНДОНА ХИРГОЙИ»

ТУРКУМИДАН

Нигоҳлар пичирлар бир қадим зорни...

(Шоира Х. Рағ)

«Мен туғилиб тўғри қилдимми?»

Дафъатан шуурига урилган ва жавоб...



Нemat APСЛОН (1941)

га — қабристон томонга — боради инсон...

Ҳозирча кута тур Берух, бетазма...

Боқий дунё кучларининг энцисини қотирди бу гаплар...

Дарҳақиқат, иши кўп эди унинг...

Тиз чўк пойимизга, эй муқаддас гам...

Қай манзилни кўзладим, манзил йироқ...



Санобар МЕХМОНОВА

Бошла, қаён кетармиз, кўнглим, бу жунун ичра...

«Қаро кўзим»ни чорлаб, бахтимни қаро қилдим...

Йўлингизга энтиқкан сабримганча севарман...

ди, рўёлар чекиниб борлик зуҳур этди...

Ўзгариб кетди манзаралар, дафъатан қаерда...

Боғларнинг жим туришидан, тоғларнинг соқов...

Ногоҳ манзара ўзгариб кетди ва қандайдир...

Бошқа саҳифа очилиб бир уй намоён бўлди...

тўла осмон. Қийин эди ортага қайтиш...

Кўйлагим яширар мени ҳар сафар...

«Август» деб номлади улардан бирини...

Узанса, қўли етадиган жойда туради бу китоб...

эмасди Ўзга Тафаккур. Уларда жамланган шёърлар...

Лекин нега август? Япон ёзувчиси Кобо Абэнинг...



КАЛИТ

Новелла

Баҳайбат жинлардайин», деган мисрага дуч келди...

у билан мулоқотга киришади: Ҳаёт! Шу иссиқда қаердан келдинг...

Икки дунё юзма-юз турибди. Ҳаёт чарчаган, холи забун...

Оқдй гугурт чўпи ёки бир кучок ўтин воситасида ҳосил қилинган умумлашмаган руҳиятинингизни саволларга қўйиб ташлайди...

Сенга ишонч қолмаганим ё, Ёки бугун камроқчи ишим?

«Ҳаммамиз ҳам ҳаёт йўлимизнинг сўнида муқаррар тарзда юз берадиган манзарани ўйлашмасликка ҳаракат қиламиз...

Шундан кейин сени бошқа кўрмадим, Шифокорнинг ҳалатига олгиндан кўниб...

Қабримдаям ишқ билан ёндиргувчим, қайдасиз? Йўқ, кетманг...

ХОТИМА ЁКИ СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

«Ва бу менман...» Фурўғ Фаррухзод Ва бу менман...

Шифокорнинг ҳалатига қўниб турган хилқат нима? Нега энди у илтижо тўла киприкларга учиб ўтди?

«Буларнинг барчаси ичкарида, — давом этди Ўзга Тафаккур...

Тун ўрмалаб ётган ўша кундан сўнг, Мен сенга боғландим юрагим билан...

«Мана энди бу мисраларга кучли неқбин руҳни кўраимиз, — дея энгил тин олди Ўзга Тафаккур...

Бу икки сатр орасида кўплаб ёзилмаган мисралар бор...

Ҳамон гувраниб эсарди шамол. Адашиб қолди «Август»нинг қаҳрамони...

— Билмайман то ҳануз қайда мен очган эшик? Жавоб бўлмади...



